

## Кўп асрлик Бойсун ҳунармандчилиги

Файзуллаева Мавлюда, ТерДУ доцент

### Аннотация

Кўп асрлик ривожланиш йўлини босиб ўтган ўзбек халқининг турли-туман ҳунаrlари ўзига хос қадимий анъаналарига эга бўлиб, Марказий Осиёда хусусан, ҳунармандчилиги ривожланган ўлкалардан бири ҳисобланган.

Сурхон воҳасида ҳам авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга мерос тарзида ўтиб, ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда. Одатда ҳунармандчиликнинг энг камида 32 хили мавжуд аҳоли яшайдиган жойга шаҳар деб ном берилган<sup>1</sup>. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида воҳада 44 тага яқин хонаки касб ва ҳунар мавжуд бўлганлиги қайд қилинмоқда. Булардан асосан жун тўқималари – гиламдўзлик, арқондўзлик, ипгазлама тўқимачилиги, каштадўзлик, кўнчилик, кигиздўзлик, темирчилик, мисгарчилик, камишсозлик (бўйрачилик), эгар жабдуқчилик каби ҳунармандчилик турларининг уюшганлигини биргина от анжомлари мисолида кўриш мумкинки, бу касблар билан маҳаллий аҳоли ҳам кундалик турмушда шуғулланиб, уларнинг амалий ва ҳаётий машғулотига ҳам айланиб борган.

Пахта ва жундан тўқилган (асосан қўй жунидан) кигиз (намат) – чорвадорларнинг энг қадимий буюми бўлиб, у кўчманчи туркий халқлар орасида ҳам кенг тарқалган. Олтойдаги қўрғонларда олиб борилган археологик қазилмалар чоғида топилган ашёлар туркий халқлар эр.авв. VI-IV асрларда ҳам кигиз буюмлардан фойдаланганидан далолат беради<sup>2</sup>. Хитой манбаларида ҳам кигиз қадимги туркий халқлар ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутганлиги қайд этилади. Турклар ҳукмдор сайлашганида дастлаб уни оқ кигиз устига ўтирғизишган ва рамзий тарзда қуёш атрофида етти марта айлантиришган. Шундан кейин яқка ҳукмдорга айланди, деб унга итоат қилишга қасамёд этишган<sup>3</sup>. Бойсун тумани тоғ қишлоқларида ҳам чорвачилик ривожлангани учун бу жойларда кигиз бостириш ҳунармандчилиги ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Қиш ўтиб, ёзги яйловга кўчиб ўтилганда қўйнинг кузги жунидан кигиз (такиямат) босишган. Кигиз босиш учун жун титиб тозаланади ва ювиб қурилади. Сўнг махсус савагичлар билан титилиб, ранги ва сифатига қараб *юзлик* ва *оралиққа* сараланади.

Кигизни безатишда ишлатиладиган ранглар табиатдан олиниб, оқ-сарик ранг қурилган буғдой пояси, жигарранг ва қизил ранг қизил пиёз пўсти, сарик ранг сарик пиёз пўсти, яшил ва жигарранг ёнғоқ мағзи, пистоқи (яшил) ранг гул поясидан олинган. Танлаб ажратилган жун устига махсус ранг билан тўқилган майин жунлардан кўчқор шох, юлдуз, ромб, булут ва оддий геометрик шаклдаги нақшлар билан кигиз босилади.

Кигизни махсус чий шолча ёки канор матога ўраб, арқон билан маҳкам боғлаб, устидан тез-тез қайноқ сув сепиб кўп марта думалатган. Сўнггра йигитлардан 4-5 таси маҳкамланган хода (хори) га билаклаб уришган. Дастлаб кигиз ўрамини олдинга гилдиратиб билак билан босган, сўнггра ўрамни бирваракайига зарб билан тортиб ходага урган. Бу жараён 4-5 соат давом этган<sup>4</sup>.

Туя жунидан чакмон, эчки қилидан арқон, ип тайёрланган. Эчки қилидан тўқилган арқон жуда пишиқ бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти шундаки, сув тегса худди пўлатдек қотиб қолади.

<sup>1</sup> Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё – этнографик макон. Тошкент-2012. – Б. 34.

<sup>2</sup> Асадова Х. Туркийлар намати: ўтмишда ва ҳозирги пайтда. San'at. 2010. № 2. – Б. 31.

<sup>3</sup> Асадова Х. Ўша жойда.

<sup>4</sup> Дала ёзувлари. Бойсун тумани, Хомкон қишлоғи, 2014 йил маълумотлари.

Уй чанғароғининг устидан кигиз ёпилиб, бу туйнук деб аталган ва у тўрт томондан узун ола жун арқонлар (туйнук бовлар) билан мустаҳкамланиб, туйнукни очиш ёки ёпиш вазифасини бажарган. Доим шамол ва довул кўпроқ бўладиган жойларида уйлар узун арқонлар билан мустаҳкамланган. Булар *оширма* деб аталиб, чанғароқ устидан оширилган ва икки томонга қоқилган козиқларга боғлаб қўйилган<sup>5</sup>.

Уй - уйнинг суяги деб аталувчи керага, увук ва чанғарокдан; уйнинг устини ёпувчи жиҳозлари — тўрлик, узук ва туйнук ёпқичдан иборат бўлган. Керага уйнинг панжара қисми ҳисобланиб, у 48 бошдан - 72 бошгача бўлган. Битта қора уйда 4 та керага бўлиб, ҳар бир керага уйнинг тўртдан бир қисмини эгаллаган ва у қанот деб аталган, тўртталаси бирлаштирилиб айлантирилганда қора уйнинг айлана панжара қисми ҳосил бўлган. Ҳар бир қанотда 12 тадан қулоқ бўлса (бу чиноқ деб аталади), уй 48 бошли, 16 тадан қулоқ бўлса, уй 64 бошли уй деб аталган<sup>6</sup>.

Керага панжаралари туя ёки ҳўкиз терисидан тайёрланган махсус тасмалар билан беркитилган. Бу тасмалар керага *кўки* деб аталган ошиқ-мошиқ вазифасини ҳам бажарган. Керагалар шундай тайёрланганки, уларни ёйса баландлиги 1,40—1,60 метрлик панжара ҳосил бўлган, (этнограф олим К. Шониёзов ўзининг „Ўзбеки карлуки“ китобида қарлуқларда кераганинг баландлиги 1 м 20 см деб кўрсатган) агар йиғиштириб олинса, баландлиги 2,20—2,40 метр, эни 50—60 см. ли ҳолга келган<sup>7</sup>. Қанотларнинг бирлашган жойини жафсар деб аташган.

Кераганинг олд томони уй эшигининг икки ён устуни (ён бўсаға)га беркитилган. Керагаларнинг бирлашган жойи — жафсарларга баландлиги 130, 170 см ли жафсар қозиқлар қоқилган ва керагалар жафсар боғлар билан жафсар қозиқларга маҳкамланган. Керагаларда ҳосил бўлган панжара катакларини *кўзанақ* деб юритилган. Кўзанақлар катта-кичиклигига қараб, *ел кўзанақ* ёки *тор кўзанақ* дейилган.

Қора уйнинг кўки ҳўкизнинг терисидан қилиниб, ўта мустаҳкам ва пишиқлиги ва енгиллиги билан диққатга сазовордир. Ҳўкиз териси ҳўллигида кесиб-кесиб чиқилади ва тасмаларни кераганинг тешигидан ўтказиб олиб икки четидан қуштилидай қилиб тилиб чиқиб ўтказиб олинади. Қотиб қолгандан кейин уни ҳеч қачон куч билан ҳам ёзиб бўлмайди. Кўк - керагани ушлаб туради. Агар керага бўшаб қолса, халқ орасида “кераганинг кўки кетиб қолибди, янгилаш керак”, дейилади. Ҳўкиз териси мустаҳкам бўлгани учун боболарнинг махсиларининг тағ қисми ҳам ҳўкиз терисидан тайёрланиб, *ултон* деб аталади. Кўзанақнинг ўзига хос хусусияти шундаки, йиғса йиғилади, тортса ёзилади.

Керагалар ташқи қисмига баландлиги 1,20 метр бўлган қамишдан тўқилган чий тутилган. Чий тўқиш учун пўстлоғидан арчилган қамиш 1,20 метр узунликда қилиб қирқилган ва чий тўқиш дастгоҳида эчки жунидан йиғирилган ип (шардоз)лар билан тўқиб чиқилган. Бир уйни ташқи томонидан айлантириб олиш учун 2-3 та чий керак бўлган.

Қишлоқ аёллари томонидан ўрмак қурилиб *чимчиқи*, *хожари*, *ой гилам*, *касмадақ*, *тўқима тақир* гиламлар ҳаммаси ўрмакда тўқилади. Эни 35-40 см.ли қилиб тўқилиб, 10-15 метрлар узунликда бўлгандан кейин боши кесилади ва ўша кесилган жойи сачоқ бўлиб қолади. Гиламни катта-кичиклигига қараб кесилади ва қўшиб мустаҳкам қилиб тикиб чиқилади. Жойнамоз ҳам худди шу усулда тайёрланади.

Ҳунармандларнинг ўз ускуна-мосламалари бўлиб, от анжомлари ясайдиган усталар *от орқа* деб аталадиган қолипда эгар яшашган. Эгарнинг саккиз бўлаги ана шу қолипда

<sup>5</sup> Дала ёзувлари. Бойсун тумани, Хомкон қишлоғи, 2014 йил маълумотлари.

<sup>6</sup> Кичкилов Ҳ., Боқиев А. Ўзбек қўнғиротларининг ўтовлари ва уларнинг жиҳозланиши. Жайхун. 2005. № 1. — Б. 38.

<sup>7</sup> Кичкилов Ҳ., Боқиев А. Ўзбек қўнғиротларининг ўтовлари ва уларнинг жиҳозланиши. Жайхун. 2005. № 1. — Б. 38.

йиғилиб елимланган. Ип йиғириш учун *урчиқ* ишлатилган. Жун газлама, шолча ва гилам тўқиш учун *ўрмак* деб аталган оддий бир мослама *дастгоҳ*дан фойдаланган.

Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудларида отдан биринчи навбатда транспорт воситаси сифатида фойдаланиб келинган. Бундан ташқари, хўжалик ишларида, яъни буғдойни янчиб олишда, мой жувозларини айлантиришда, юк ташишда фойдаланиб келинган. Шунингдек, ўзбек халқининг миллий ўйини *кўпқари (улоқ)* чопиш учун от энг муҳим ўрин тутади.

Энди отни қандай қилиб жиҳозлаш ҳақида тўхталадиган бўлсак, битта от учун *эгар, жанник, жўблик, тушайил, пуштон, узанги*, шунингдек, *терлик жулча, дигил, босилдириқ, нахал, жуған (юған)* ва шу каби жиҳозлар керак бўлади. *Терлик, жулча, дигил, босилдириқлар* отнинг жобув жиҳозлари (устки жиҳозлари).

Отни жиҳозлаш учун отнинг устига биринчи *жанник* қўйилиб, устидан *эгар* қўйилади ва эгарга эса *узангини* осиб қўйишади. Отга қўйилган жанник ва эгарни беркитиб боғлаш учун жундан тўқилган арқонлар *тушайил* ва *пуштонлар* билан боғланади. Узангининг нуқра ёки кумуш суви юритилганидан фойдаланишади. Отни бошқариб юриш учун отнинг бошига *юған* ёки юған бўлмаган пайтларда *бошлик* солишади. Отнинг оёғи остига эса *нахал* қоқтиришади.

От эгари толдан қилинади. Юқорида айтилганидек, у саккиз бўлакдан иборат бўлиб, от орқасини оғритмаслик ёки яғир қилмаслик учун жанник қўйилади. Жанник кигиздан кесиб чиқиб, тикилади ва унинг устки қавати чармдан қопланиб, эгар тагидан жойлаштирилади. Жанникнинг четлари сал баландроқ бўлади чунки унинг ўртасига эгар қўндирилади.

Нега кўпқари ўйинида шунча тортилиб, зўриқса ҳам эгар синиб ёки бўлакларга бўлиниб кетмайди, ахир у саккиз бўлакданку, бунинг устига михланмаган бўлса, деган савол туғилади. Гап шундаки, эгарни бириктирилган жойларидан ва ҳамма томонидан яхшилаб елим суртиб чиқилади. У елим эса жуда мустаҳкам қилиб ушлаб туради. Бу мустаҳкам елим хўкизнинг пайдан олинади, яъни хўкизнинг тўрт оёғи (почаси)дан хомлигида пайи ажратиб олинади. Пай илиқ сувга солиб қўйилади ва у шишиб чиққандан кейин уни ингичка толаларга ажратилиб, қайноқ сувга солинади. Тайёр бўлган елим, яъни хўкизнинг пайи эгарни ушлаб турар экан. Бўлмаса кўпқарида синиб кетиши мумкин экан. Тайёр эгар устидан чарм қоплаб чиқилади. Эгарни эгарчи уста қилиб, унинг нархи бир қўйга тенгдир.

Эгар чарм қоплангандан кейин юмшоқ бўлиб қолади ва ана ундан кейин эгар устидан аёллар меҳрини бериб тўқиган *терлик, жулча, дигил, босилдириқ* каби отнинг жобув жиҳозлари (устки жиҳозлари) ёпилади. Кўпқари чопаётганда эгар жабдуқлари қолади, яъни отнинг кўкраги ва эгарнинг карсан (орқа) томонидан *тушайил* ва *пуштанлар* билан боғланади. Пуштаннинг - ҳамма жойи чармдан қилинади. Кўпқари чопаётганда янада мустаҳкам бўлиши учун от думининг тагидан ҳам ўтказиб олинади. У қуюшқон деб ҳам аталиб, “Қуюшондан чиқиб кетди”, деган ибора шундан келиб чиққан.

Тушайил - отнинг тўшидан боғлангани учун тушайил дейилади. Шуни ҳам айтиш керакки, эшакнинг боғи - айил дейилади. Айил - эшакнинг тўши билан бирга орқа томонидан ҳам тортиб боғланади, чунки эшакнинг эгари бўлмайди. Отлар эса сон томонидан боғланмайди. Шуни ҳам айтиш керакки, тушайилда тўға бўлса, айилда эса бўлмайди. Айил узун бўлиб, чамаси 4-5 метргача боради. Айил эшакнинг тўшидан, думининг тагидан ўтказилади. Кези келганда айтиш керакки, юқорида айтилганидек, эшакнинг эгари бўлмайди. Эшакнинг ўтирадиган жойи - қўм деб аталади, яъни эшакнинг қўми дейилади. Қўм ариқ бўйларида, зовурларда ўсадиган қамишнинг бир тури “луқ”дан ёки тоғда ўсадиган “қамчипута”дан қилинади. Луқ 1-1,5 метр қилиб ўриб олинади ва ўралади. Устидан эшак еб қўймаслиги учун бирор хил матони узунлигича тикиб чиқилади. Ўртасидан бир киши ушлаб букади ва икки чети бирлаштирилади. Шу букилган томони баланд бўлиб қолади. Баланд томони бош томони ҳисобланади. Юмшатиш учун устига чиқиб тепкиланади ва эшак устига тортиб боғланади. Устидан

хуржун ташлаб қўйилади. Шунингдек, лукдан қора уй (ўтов) керагаларининг ташқи қисмига тутиладиган чий тўкилади. Бундан ташқари, лукдан уйларнинг устини ёпишда ишлатиладиган бўйра ҳам тўкилади, аммо у қамишдай мустаҳкам бўлмайди.

Отнинг тушайили икки томондан тўғага бириктирилади. Тўға - эгарнинг тубида, от қовурғасининг устида жойлашган бўлиб, тушайилни ушлаб туриш учун, тортиб беркитиш учун қилинади. Тўға ярим ой шаклида темирдан ясалади. Отнинг бир томонида тўғанинг ўзи туради, нариги томонида эса тўғага теридан - тасма тикилади. Тасма отнинг белига мўлжалланади, яъни икки тўғанинг ораси бир қарич бўлиб, бир-бирига етмайди. Тасма ҳўкизнинг териси - ултондан қилинади. Ултон - жуда мустаҳкам, пишиқ тери бўлиб, шунинг учун ҳам махсиларнинг тағ қисми ултондан тикилади. Шуни ҳам айтиш керакки, қора уй (ўтов)нинг панжара қисми керага ҳисобланиб, битта уйда 4 та керага бўлиб, тўртталаси бирлаштирилиб айлантирилганда қора уйнинг айлана панжара қисми ҳосил бўлган. Демокчимизки, керага панжаралари ҳам ҳўкиз териси (ултон)дан тайёрланган махсус тасмалар билан беркитилган. Бу тасмалар керага кўки деб аталиб, ошиқ-мошиқ вазифасини бажарган<sup>8</sup>.

От калласидан - нўхта ўтказилади. Отни арқонлаш учун нўхта қилинади ва отни ўтлатаётганда нўхта кийдириб қўйилади. Беш-олти метрли арқонда от мазза қилиб ўтлаб юради. Отни тўхтатиш, калласини буриш учун кўпқари чопаетганда нўхта ечиб олиниб, юган тақилади. Юганда бронзадан қилинган сувлиқ бўлиб, у от оғзи ичига жойлаштирилади. Юган билан сувлиқ тўға билан бирлаштирилади. Яқинроқ қишлоққа кетаётганда нўхта билан бирга юган ҳам кийдириб қўйилади ва борган жойида юганини ечиб олиб қўяди. Арқонни аёллар эчкининг қилидан тайёрлаб, тоқ сондаги узун иплар чийратилади. Масалан, бешта ипнинг бош томонини боғлаб қўйиб, нариги учларидан тол қошиқларни ўтказиб олиб, бешта болага ушлатиб қўйилади ва болалар қошиқни айлантираверишади. Бешталиқ, еттителиқ арқонлар катта арқон ҳисобланса, учталиги кичик арқон ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Сурхон воҳаси аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи ва машғулотларидан асрлар давомида тажрибада синовдан ўтган анъаналарнинг сақланиб қолганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Тадқиқотдан мақсад, Сурхон воҳаси аҳолиси ҳунармандчилигининг анъанавийлик хусусиятларини тарихий-этнографик жиҳатдан кузатиб, таҳлил этиб, унутилган ёки унутилиб бораётган анъаналарни тиклаш имконияти ва йўллари аниқлашдир.

---

<sup>8</sup> Кичкилов Ҳ., Боқиев А. Ўзбек қўнғиротларининг ўтовлари ва уларнинг жиҳозланиши. Жайхун. 2005. № 1. – Б. 38.